



Ислом Нури

Умму Ахмад ад-Дуайжий хикоя килади□

Йигирма ёшли киз автомобил халокати натижасида вафот этди. Вафотидан биров аввал якинларининг ахволинг кандай деган саволларига□ Аллохга хамд бўлсин! Яхши! – деб жавоб бериб турган эди. Бирок оз вақт ичида дунёдан кўз юмди. Аллох уни ўз раҳматига олсин!

Мархумани махсус ювиш хонасига олиб келишди. Биз уни ювиб, тайёрлашга бошладик.

У гўё ширин уйкуда-ю хозир уйғонадигандек, юзи табассумдан ёнарди. Баданида жарохат, синик ёки кон асоратлари кўринмайди.

Шу вақт гаройиб ходиса рўй берди. Биз ювиш асносида мархумани кўтарган эдик бурнидан ок модда сизиб чикди ва хона хушбўй мушк хиди билан тўлди. Субханаллох! Бу чиндан хам мушк хиди эди...

Такбирлар айтиб Аллохни зикр килдик. Кизим (мархума унинг дугонаси эди) йиглай бошлади.

Мархуманинг якинларининг биридан у ҳақда, ҳаётлик вақтида кандай бўлганлиги ҳақида сўрадим.

– Вояга етгандан буён намозни қанда қилмаган, кино, телесериаллар кўрмас, умуман телевизорга киё бокмас кўшиқлар эшитмас эди. Ўн уч ёшга тўлгандан буён душанба, пайшанба кунлари нафл рўза тутишни ўзига одат қилган эди. Ўлимидан олдин Аллох йўлида бекорга ўликларни ювиб тайёрлаш билан шугулланмокчи эди... Бирок бировларни ювишдан олдин ўзи ювилди... Муаллималари, дугоналари унинг таквоси, гўзал хулқи ва хушмуомаласи ҳақида гапиришади.



Ислом Нури

Муаллималари ва дугоналарида хаётида яхши таассурот колдирганди.
Мана энди вафотидан кейин эслашадиган бўлди дея сўзини якунлади.

Ёмон хотима топган бошка киз хакида хикоя килиб Умму Ахмад сўзида
давом этади:

Ўн етти ёшли бир кизни жасадини ювиш учун келтиришди.
Сингилларимиз ювишга киришдилар. Ювишни бошлаганларида
кизининг танаси ок эди. Аста секинлик билан корая бошлади ва бир
парча кўмирдай бўлиб колди.

Унинг холи кандай кечгани бизга коронгу...

Якинларидан у хакда сўролмадик, чунки биз кўрган нарса уларни
кўркитиши мумкин. Шунингдек биз унинг бу холини яширишимиз хам
керак... Аллохдан саломатчилик ва офият сўрайман!

Азиз синглим бу икки киссадан ибрат олдингзми!? Солих
мўъминаларга эргашасизми? Ёки гунохкор фосикалар сизга
намунами? Ўзингизга кайси хотимани раво кўрасиз?

Ямома журнали 1420 хижрий йил, 14 сафар 1557- сониде эълон
килган.

Исломий киссалар тўплами.

Абу Абдурахмон таржимаси